

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 234 (1295), 2024 йил 19 ноябрь, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz



## ХАЛҚНИНГ ОВОЗИ БЎЛГАН ДЕПУТАТЛАР ҲАР БИР ҚОНУНГА ИЖОДКОРЛИК БИЛАН ЁНДАШСА, БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛАДИ

Тошкент шаҳрида 18 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев очди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янгради.

Биринчи мажлиснинг Муваққат котибияти, Саноқ комиссияси ҳамда Овозларни ҳисоблаш электрон тизимидан фойдаланишни назорат қилувчи муваққат гуруҳ сайлаб олинди ва кун тартиби тасдиқланди. Марказий сайлов комиссияси раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди.

Сиёсий партиялар вакиллари кенгаши тақлифига биноан, депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддин Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар. Шундан сўнг мажлиста раислик қилиш ваколати Спикерга ўтди. Спикернинг

ўринбосарлари ҳам сайланди. Бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатга олинди, уларнинг келишилган таклифларига мувофиқ Қонунчилик палатасида ўн та кўмита тuzилди. Мажлиста Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг бошида депутатларни сайлангани билан табриклаб, бу халқимизнинг юксак ишончи ва хурмати ифодаси эканини таъкидлади. Бу йилги парламент сайлови янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган ilk сайлов сифатида тарихга киргани алоҳида

қайд этилди. Шунингдек, бу жараён биринчи марта аралаш сайлов тизимида ўтди. Сайловлар натижасида Қонунчилик палатасига 150 нафар депутат сайланди. Уларнинг 57 нафари аёллар, 11 нафари 35 ёшгача бўлган йилги-қизлар бўлди. Умуман, бу йил кўйилган палата таркиби қарийб 60 фоизга янгиланди.

➤ Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар! Қадрли йилнинг иштирокчилари!

Авалло, сиз, азизларни кучли рақобат, қизгин сиёсий кураш ва ошкоралик муҳитида ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати деган шарафли мақомга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу юксак ишонч — сизларнинг бой билим ва ҳаётий тажрибангиз, юртимиз равнақи, эл-юртимиз фаровонлиги йўлида қилаётган фидойи меҳнатингизга нисбатан халқимизнинг улкан ҳурмат ва эҳтироми ифодасидир.

Ҳар қандай сайлов давлат ва жамият учун муҳим сиёсий жараён эканини барчамиз яхши тушунаёмиз. Айниқса, жаҳондаги бутунги кескин ва таҳликали вазиятда бундай умумхалқ тадбирларини ўтказиш янада катта масъулият талаб этади.

Ўзингиз кўрярсиз, турли минтақаларда уруш ва жанжаллар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар авж олиб бормоқда. Баъзи халқлар учун бир кунни, бир дақиқани тинч ва осойишта ўтказиш орзу-армонга айланмоқда.

Ана шундай гоёт мураккаб даврда сайловларни осойишталик шароитида, эмин-эркин ўтказганимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликдан далолат беради. Ва барчамиз бу беаҳо боилгимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз ва мустақамлашимиз керак.

Хорижий ташкилотлар ва кузатувчилар ҳам бўлиб ўтган сайлов жараёнида халқроқ стандартларга тўла мос ҳолда ўтганини эътироф этиб, уларга юқори баҳо берганини таъкидлаш лозим.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бу йилги парламент сайловларининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталганда, аввало, улар янгиланган

Конституциямизга мувофиқ ўтказилган ilk сайлов сифатида тарихга кирганини қайд этишни истардим.

Айни шу асосда ҳуқуқ ва ваколатлари сезиларли даражада кучайган, масъулияти бир неча қарра ортган янги халқ вакилиги тизими шакллантирилди. Энди янги таркибдаги Олий Мажлис ўз фаолиятини натижадорликка йўналтириб, қонуний ваколатларидан аниқ мақсад йўлида, самарали фойдаланиш устида жиддий иш олиб бориши зарур.

**Иккинчидан**, Янги Ўзбекистонни барпо этишга киришганимизга саккиз йил бўлди. Бу даврда халқимизнинг сиёсий тафаккури тубдан ўзгарди, сиёсий маданияти сезиларли даражада юксалди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги роли ва иштироки кучайди.

Буларнинг барчаси аралаш сайлов тизимини жорий этишга мустаҳкам замин яратди. Қўллаб-даватларда бундай ислохотларни ўтказиш учун ўн йиллар керак бўлган.

Шу маънода, Ўзбекистон аралаш сайлов тизимини қисқа фурсатда, дадил жорий этишга эришган кам сонли мамлакатлардан бири, деишига муносибдир. Бўлиб ўтган сайловлар ушбу тизим сиёсий партиялар фаолиятини оширганли, улар ўртасида кучли рақобат учун кенг ва тенг шароит яратганини яққол намойён этди.

Янги тизим — ҳар бир сайловчининг овози Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўрни учун муҳим эканини, бу борада адолат тамойили янада кучайганини ҳам кўрсатди.

**Учинчидан**, сайловлар тўлиқ очиклик, ошкоралик ва шаффоқлик муҳитида ўтди. Қўлланган замонавий технологиялар ҳам бу жараёнда муҳим роль ўйнади. Жумладан, сайловнинг барча босқичлари тўлиқ

рақамлаштирилиб, “E-saylov” ахборот тизими жорий қилинди. Овоз бериш жараёнидаги онлайн кузатиш имкони яратилди, ilk бор электрон овоз бериш синовдан ўтказилди.

Сайловларни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби 13 та нуфузли халқаро ташкилот, 40 дан зиёд давлатдан 850 нафар хорижий ва 65 миңдан зиёд маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг миңдан ортиқ вакиллари кузатиб борди.

Уларга сайлов жараёнидаги ҳақиқат ҳоли фикрлари ва тавсиялари учун ўз номидан, бутун халқимиз номидан ташаккур изҳор этаман. Биз ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, амалиётга татбиқ этиш чораларини кўрамиз.

**Тўртинчидан**, Марказий сайлов комиссиясининг мустақиллиги сезиларли кучайгани, профессионал сайлов органлари ташкил этилгани сайловларнинг ҳаққоний руҳда ўтишида муҳим роль ўйнади.

Сайловлар қонунчилик талаблари ва халқроқ стандартларга тўла мос ҳолда ўтишини таъминлаган барча даражадаги сайлов комиссиялари, хусусан, Марказий сайлов комиссиясига алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Умуман, сайловларда 15 миллиондан зиёд аҳолимиз, жами сайловчиларнинг қарийб 75 фоизи фаол иштирок этгани уларнинг олиб бораётган ислохотларимизга бўлган юксак ишончини яна бир қарра тасдиқлади, десам, ўйайманки, фикримга қўшилиасиз.

Азиз дўстлар! Сайловлар натижасида Қонунчилик палатаси таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайланди. Депутатларимизнинг 11 нафари — 7,5

фоизи 35 ёшгача экани, ilk бор ёшлар парламенти-нинг 2 нафар вакили Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангани барчамизни хурсанд қилди.

Айниқса, депутатларнинг 38 фоизини ёки 57 нафарини ҳурматли аёлларимиз ташкил этгани — минтақадаги энг юқори кўрсаткич бўлиб, албатта, қувончли натижадир. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштироки кучайгани жамиятимиз ривожига ижобий таъсир кўрсата бошлаганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Биз муҳтарам аёлларимизни, азму шижоатли ёшларимизни қўллаб-қувватлашни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Тарихимизда ilk бор ногиронлиги бўлган фуқароми Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. Бу — парламентимизни том маънода инклюзив органга айлантириб, ушбу қатлам манфаатларини янада кенг ифода этиш имконини беради, десам, тўғри бўлади.

Янги таркибда қайта сайланган 63 нафар депутатимиз ҳам бор. Бу — парламент ишида узвийлик ва профессионализмни таъминлашга хизмат қилади.

Хурматли йилги иштирокчилари! Сайлов кампанияси даврида партиялар жиддий тайёргарлик, аниқ гоё ва дастурлар билан майдонга чиққанига гувоҳ бўлдим.

Партияларимиз илгари сурган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган ҳар бир таклифини биз албатта қўриб чиқамиз ва амалга оширамиз.

Мен Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлайман.

➤ Давоми 2-бетда

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йилгилиш ўтказди.

Андижон вилоятининг иқтисодий салоҳияти юқори. Давлатимиз раҳбарининг шу йил февралдаги амалий ташрифи ҳамда унда белгиланган вазифалар ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Саноат, тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, туризм ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида яхши натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, ҳали имкониятлар кўп. Туманларда олиб борилган ўрганишлар давомида қатор таклифлар аниқланган.

Масалан, Олтинкўл ва Жалақудқдаги 600 гектарда хитойлик инвесторлар томчилаб суғориш орқали қаламбир етиштириб, қайта ишлаш лойиҳасини бошлаган. Бу орқали гектаридан

15 миң долларлик маҳсулот экспорт қилиш хисоб-китоб қилинган.

Пахтабод туманида Бирлашган Араб Амирлиги компанияси билан ҳамкорликда 470 гектарда гилос ва резавор мевалар етиштириш йўлига қўйилган. Тадбиркор инвестиция мажбуриятини ўз вақтида бажараётгани учун давлатдан инфратузилма қилиб беришни сўраган.

Вилоятдаги 4 та паррандачилик корхонаси фаолиятини тиклаб, эҳтиёжман оилалардаги 650 нафар одамни ишга олиш имконияти аниқланган.

Асақдаги “АДМ электрик” корхонаси автомобиллар учун 28 турдаги сим ўтказгич

ва мультимедиа тизимларини ишлаб чиқаради. “Оникс”, “Трекер”, “Киа сонет” каби моделларда маҳаллийлаштириш кенгайтирилса, корхонанинг қуввати ва даромади ошади.

Йилги Андижон вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солишга оид қарор лойиҳасини тақдимот қилди. Унда 2025 йилда Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилган. Жумладан, 3 миллиард 100 миллион доллар миқдорда инвестиция ўзлаштириш, 334 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш, 305 миң нафар аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда 1 миллиард доллар миқдорда экспорт қилиш вазифаси белгиланган.

Шунингдек, вилоятда аҳоли зичлиги инобатта олиниб, ер масаласида имкониятлар яратилади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган майдонлар, жумладан, қир-адирлардан жами 1 миң 800 гектар ернинг тонфаси ўзгартирилади. У ерларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, уй-жойлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари таклифларини маъқуллаб, янги имкониятлардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларни замонавий инфратузилма билан таъминлаш, аҳолининг бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА




АМАЛИЙ ТАШАБУСЛАР  
ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИГА  
КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

3









# АМАЛИЙ ТАШАББУСЛАР ДЕПУТАТЛАР ЗИММАСИГА КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ



Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисидаги нутқидан қонун ижодкорлиги, аввало, жамиятдаги долзарб масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратилиши кераклигини таъкидлаб, қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Хусусан, эскирган уйлар ўрнида замонавий турар жойлар қуриш, фуқароларнинг уй-жой қурилишига йўналтирган маблағларини кафолатли ҳимоя қилиш, хусусий таълим ва электр энергетикаси соҳасида инвесторларни қўллаб-қувватлаш, мажбурий тиббий сўғурта ва сунъий интеллектни қўллаш, франчайзинг, капитал бозори, “стартап”лар соҳасидаги муносабатларнинг қонуний асосларини яратиш вазифаси қўйилди. Мухбиримиз Қонунчилик палатаси депутатларининг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ҚУЙИ ПАЛАТА ҲИССАСИ СЕЗИЛИШИ КЕРАК



**Зухра МИРҒОЗИЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Кунни кеча бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари янги сайланган парламент вакиллари бажариши зарур бўлган долзарб масалалар ва стратегик вазифалар бўйича ўз тавсияларини берди. Хусусан,

камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқишда парламентнинг сезиларли роли, ҳиссаси ва ўз овози бўлиши зарурлигига алоҳида ургу қаратди.

Бугунгидек эсимда, Президентимизнинг Мурожаатномасида юксак сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон тарихида илк мартаба камбағаллик тушунчаси тан олинди, очик тарзда айтилган эди. Сўнгра камбағалликни қисқартириш умумийлиги ҳаракатга айланиб, у давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Ушбу масалага институционал равишда ёндашилиб, раҳбарлар фаолиятига баҳо беришда алоҳида мезон сифатида олинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали камбағаллик даражаси 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йил якуни билан 11 фоизга тушди. 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилинди.

Таъкидланганидек, ҳар бир депутат ўз округида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини назоратга олиб,

ҳар ойда масъуллардан сўров қилиши таъкидланди. Бу механизм дастур ижрочилари билан депутатлар ўртасида тўғридан тўғри алоқа ўрнатилиши, уларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасида амалга оширилган ишларни бевосита назорат қилиш, натижадорлигини таъминлаш имкониятини яратди.

Президентимиз “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган эзгу ғояни бежиз такрор-такрор айтмайди. Фахр ва ифтихор билан айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг қисқа вақт мобайнида камбағалликни қисқартириш борасида орттирган бой тажрибаси, оқилона сиёсатидан, керак бўлса, бошқа давлатлар ҳам фойдалана бошлади.

Биз, депутатларга олижаноб ва бағрикенг фуқароларимиз ишонч билдириб, халқ вакили деган юксак мақомга эга бўлиб, фаолиятимни бошлар эканман, Президентимиз ўз маърузаларида берган тавсияларни бажариш учун бор куч-ғайратим, билим ва тажрибамни сафарбар этишга тайёрман!

## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЯДИ

**Наргиза САЛОМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз ўз маърузасида Қонунчилик палатаси янги қаҳриқ депутатлари олдига турган муҳим вазифаларни белгилаб берди. Палата фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича давлатимиз раҳбари аниқ ва манзилли режаларини билдирди.

Қўмиталар сонининг мақбуллаштирилиши Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган маъмурий ислохотларнинг Парламент фаолиятига акс этиши деб айтсак, муболага бўлмайди. Қўмиталар сони камайиши иш сифати тушиб кетади, дегани эмас. Аксинча, қўмиталар фаолиятида сонга эмас, натижадорликка эътибор ортади.

Парламентимиз тарихида илк бор Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири. Соҳада

кўплаб ижобий ўзгаришлар рўй берди, хусусан, иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш юзасидан олиб бориладиган саёҳаракатлар натижасида ялли ички маҳсулотимиз илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотларида кўплаб муаммолар кўтарилди, ўз ечимини топтоқда. Қайд этилган масалалар мутасадди идора ва ташкилотлар томонидан зарур ишлар олиб борилишини талаб этади. Бу ишлар устидан эса, албатта, самарали парламент назорати керак. Демак, мазкур соҳада қуйи палата ва депутатлар назорати таъсирчанлигини ошириш зарурати бор.

Янги ташкил этилаётган қўмитанинг фаолияти тадбиркорликни ривожлантириш, рақобат ва саноат соҳаларидаги



қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, манзилли чора-тадбирларни сифатли амалга оширишга туртки бўлади. Бинобарин, иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишида парламентнинг иштироки кенгайди. Табиийки, бундай ўзгаришлар депутатларни ҳам ўз вазифаларига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлишга ундайди.

## ХАЛҚИМИЗ ИСЛОҲОТЛАРГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ НАМОЁН ЭТДИ



**Жасур ЖУМАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Янги шаклланган Қонунчилик палатаси таркиби жамиятимиздаги сиёсий жараёнлар янги босқичга ўтганини яққол

намоён этди. Сайлов натижаларига кўра, парламент таркиби деярли 60 фоизга янгиланди. Бу, аввало, халқимиз томонидан ислохотларга бўлган ишонч ва парламентнинг замонавий талабларга мувофиқ янгилиниги бўлган эҳтиёж натижасидир.

Президентимиз нутқидан биз учун жуда муҳим бўлган йўналишлар белгилаб берилгани билан бирга, ҳар бир депутатга катта масъулият юклайдиган вазифалар ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Янги сайланган депутатлар таркибида турли соҳа вакиллари бор. Албатта, бунда сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар билан бирга, халқимиз ҳам муносиб номзодларни таллади.

Илм-фан соҳасига қаратилаётган катта эътибор ва илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг ҳам самараси янги таркибда ўз аксини кўрсатди. Сайланган депутатларнинг ҳар учинчиси илмий даражали эканини ҳам ижобий баҳолаш мумкин. Бу, ўз навбатида,

давлат сиёсатини илмий асосда шакллантиришга ҳамда қонунларнинг илмий жиҳатдан тўғри ва самарали бўлишини таъминлашга ёрдам беради.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда олиб борилаётган гендер сиёсатининг ижобий таъсири парламентда ҳам ўз аксини кўрсатди.

Шунингдек, инклюзивлаштириш борасидаги давлат сиёсатининг ҳам ижобий таъсири сезилмасдан қолмади. Янги таркибда ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайлангани бу фикримнинг исботидир.

**Янги шаклланган Қонунчилик палатаси мамлакатдаги барча қатламлар манфаатларини ҳимоя қилиши, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга, халқимизни фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига хизмат қилади.**



## ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ ЖАРАЁНИ РАҚАМЛАШАДИ

**Абдуманнон БҮРИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқидан парламентнинг кейинги беш йилликдаги фаолиятида қонун ижодкорлиги жараёнига халқимизни кенг жалб қилиш, бунинг учун рақамли технологияларни жорий этишни таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбари “Қонунларнинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши лозим”, деб таъкидлаган эди. Сўнгги йилларда муҳим қарорлар қабул қилишда фуқароларнинг иштирокни таъминлашга оид ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, “Mening fikrim” махсус веб-портали орқали Олий Мажлис палаталари, маҳаллий кенгашларга электрон жамоавий мурожаат қилиш тартиби жорий этилди. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали



“Regulation.gov.uz” ҳар бир фуқарога ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида қатнашиш имконини яратиб берди. Янги тахрирдаги Конституциямизда юз мингдан кам бўлмаган фуқароларнинг қонунчилик таклифларини Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқи мустаҳкамланган эди. Ривожланган хорижий давлатларнинг

ушбу тажрибаси жуда катта демократик имкониятдир. Шу асосда халқимиз бевосита қонун ижодкорлиги сифатида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Энг муҳими, мазкур йиғилишдаги нутқидан Президентимиз таъкидлаганидек, фуқароларнинг қонунчилик таклифларини қуйи палатага киритиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилади, электрон овоз бериш имконияти яратилади ҳамда Қонунчилик палатаси ҳузурида Жамоавий ташаббуслар бўйича парламент комиссияси тузилади. Шунингдек, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш жараёнида сунъий интеллектни жорий қилиш бошланади.

Ушбу янгиликлар эса ислохотларнинг ташаббускори сифатида халқимиз ўз келажаги, орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш учун муҳим қарорлар қабул қилишда, жамиятдаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этишда тўғридан тўғри иштирок этиши учун шароит яратди ҳамда қонунларнинг ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

“Президентимиз “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, деган эзгу ғояни бежиз такрор-такрор айтмайди. Фахр ва ифтихор билан айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг қисқа вақт мобайнида камбағалликни қисқартириш борасида орттирган бой тажрибаси, оқилона сиёсатидан, керак бўлса, бошқа давлатлар ҳам фойдалана бошлади.

## БУ БИЗ УЧУН ЮКСАК ШАРАФ

**Дилноза АЗИЗОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Халқимиз хизматида бўлиш, инсонларнинг оғирини енгил қилиш ҳар бир депутатдан юксак фидойилик, улкан билим ва ҳаётий тажриба талаб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мақсад ва вазифалар эса бу борада ҳар биримиз учун дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ушбу ташаббус ва ғоялардан ҳар биримиз ўз фаолиятимизни йўлга қўйишда, ўзимизнинг устимизда ишлашимизда самарали фойдаланишимиз лозим.

Йиғилишда илм-фанга бўлган эътибор, бу борадаги рақамлар, ҳар бир соҳада илмга асосланишимиз кераклиги, парламентда ҳар уч нафар депутатдан биттаси илмий даражага эгаллиги, энди қонунлар янада сифатли ва асосланган бўлиши кераклиги ҳақидаги сўзлари бизни янада илҳомлантирди.

Дарҳақиқат, сайланган депутатларимизнинг 35 фоизини илмий даражага эга бўлган халқ вакиллари ташкил қилипти. Бу кўрсаткич илгари парламент тажрибасида учрамаган ўзига хослик десак, хато бўлмайди.

Ўйлаймики, мазкур илмий салоҳият янги шаклланган парламентимизнинг яқин

беш йиллик фаолиятида халқчил, юқори сифатли ва энг асосийси, аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар қабул қилишда хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзига тўхталмасдан иложи йўқ, яъни “Илм ва билим — ўтда ёнмай диган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!”.

Эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанга бўлган эътибор кучайди, илм-фан тараққиёти ўзининг янги босқичига кўтарилди. Давлатимиз раҳбари доимий тарзда соҳа вакиллари билан учрашяпти, қолаверса, илм-фани замонавий, халқаро тажрибаларга таянган ҳолда ривожлантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда мақтаблар, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ўзгача қиёфа ва янгилини руҳида фаолият олиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, таълим соҳасида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва педагогларнинг ойллик иш ҳақлари бир неча бор ошгани, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали кўплаб иқтидорли ёшларимизнинг энг нуфузли хорижий олийгоҳларда



таълим олаётгани, хотин-қизларнинг магистратурада ўқиш харажатлари давлат томонидан қоплаб берилётгани каби илҳом ва шарт-шароитларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Бир сўз билан айтганда, бизга халқимиз, давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган юксак ишонччи ҳис қилган ҳолда, олдимизда турган аниқ мақсадли вазифаларни шараф билан бажаришда ақл-заковатимизни аямаймиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири  
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.





Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# БИОГУМУСНИ ҚЎЛЛАШ

## ТУПРОҚНИНГ ГУМУС МИҚДОРINI, УНУМДОРЛИГИ ВА ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚЎЛ КЕЛАДИ

**Гиёсжон РАҲИМОВ,**  
ИСМИТИ бош илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Дунёда бўлаётган глобал ўзгаришларга боғлиқ салбий таъсирларнинг олдини олиш, ерлар деградациясини камайтириш, тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтириш орқали экинлар ҳосилдорлигини ошириш, экологик тоза, табиий маҳсулотлар етиштириб, аҳоли талабини қондириш, иқтисодиётни ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.



2025 йилдан бошлаб биогумус органик ўғити берилган ер майдонлари назоратга олинади. Экинларни экишдан то ҳосил пишиб етилгунга қадар белгиланган тартибда тупроқ таркиби лабораторияларда кимёвий таҳлил қилиниб, йил охирида ўғит берилган далалар гумус миқдори илмий асосланган ҳолда таҳлил қилинади. Тупроқдаги гумус миқдори кўпайтиришга, экинлар ҳосилдорлиги ошишига, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, йиллик сарфланадиган сув миқдори камайтиришга, экологик тоза маҳсулотлар етиштиришга асосланган ҳулосалар берилди.

иссиқхоналар ва кам миқдорда аҳоли томорқа ер эгалари сотиб оляпти.

Келгуси йилнинг март ойига қадар вилоятларнинг барча туманларида унумдорлиги паст, гумус миқдори кам, турли даражада шўрланган пахта, ғалла, шולי, маккажўхори, сабзавот ва полиз экинлари экиладиган ерларнинг ўртача 20-30 фоизига биогумус органик ўғитини солиб, тупроқ шўрланиши ва шўр ювишни камайтириш, ҳосилдорлигини ошириб, экологик тоза маҳсулот етиштириш мумкин.

Ҳозирги пайтдаги глобал иқлим ўзгаришлари шароитида тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда экиладиган экинлар турини ҳисобга олиб, биогумусни гектарига 4-10 тоннадан ҳар 3 йилда 1 марта бериш тавсия қилинган. Ҳосилни ўриб-йиғиб олгандан кейин тупроқларни лаборатория таҳлилларига асосан, юқоридаги миқдор, яъни экинлар турини буйича биогумус бериш меъёри ўзгариши мумкин.

Бизнинг мақсадимиз вилоятларда 2025 йилнинг бошидан қишлоқ хўжалик экинлари эрта баҳордан бошлаб биогумус органик ўғитини республикамизнинг барча туманларида ишлаб чиқарувчилар томонидан қанча миқдорда тайёрланишини ҳисоб-китоб қилиб, шу асосда амалий ишлар бошладир.

### Сув ва намлик сақлиниб, экологик тоза маҳсулот етиштирилади

Биогумус органик ўғитини қўллаш орқали тупроқда сув ва намлик яхши сақланади, берилган минерал ўғитлар ер остига ювилиб кетишининг олди олинади, тупроқдаги минерал ўғитлар ўсимлик томонидан оптимал даражада сўрилади.

Тупроқдаги гумус миқдорининг оптимал даражада бўлиши минералларни, микроорганизмларни, ферментларни, витаминларни фаолаштириб, юқори ва экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кафолатлайди. Тупроқнинг шўрланиши даражасини пасайтириб, РН буферизациясини меъёрида бўлишини таъминлайди. Биогумус таркибида ҳеч қандай касаллик бўлмайди ва у тупроқда солинганда турли касалликлар камайтирилади. Фотосинтез учун оптимал шароит

тарғиб қилиш ва жисмоний фаолликни оширишга ҳукуматимиз томонидан қатъий эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳимилдор аёллар ҳамда болалар томонидан витамин ва минераллар етарли даражада истеъмол қилинмаслиги натижасида рацонал ўсиш, ақлий баркамолликда ортада қолиш, катталарда эса қандли диабет, юрак қон-томир, эндокрин, хавфли ўсма каби эрта ўлимга олиб боровчи касалликлар ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган.

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, дунёда 2 миллиардга яқин одам истеъмол маҳсулотлардаги витаминлар, минераллар етишмаслиги сабабли ўзларининг ақлий ҳамда психологик потенциалига эга бўлмайди.

### Бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Охириги 10 йилда дунёнинг кўпгина агроландшафтлари турли кимёвий моддалар билан ифлосланган. Улар атроф-муҳитдан, тупроқдан сувга ва ўсимликка ўтади. Таркибида 5-7 фоизгача нитратлар бўлган сабзавот маҳсулотлари истеъмол қилинганда инсон организмнинг ҳужайра ва органларида кислоталар билан таъминланиш даражаси пасайиб, ҳаво етишмаслигини ҳансираш, қон босими тушиши, жигар функцияси бузилиши кайд этилиб, жисмоний ва ақлий жиҳатдан фаоллик сусаяди.

Очиқ далада етиштирилган сабзавот экинларидаги нитратларнинг рухсат этилган, мумкин бўлган максимал даражаси ўртача ҳисобда бир килограмм картошкада 250, эртаги қарамда 900, сабзига 400, помидорда 150, бодиринда 150, пивёзда 80, қовунда 90, тарвузда 60 миллиграмм бўлиши керак.

Қорақалпоғистон Республикасидаги "Биогумус фарм" фермер хўжалиги ерларига биогумус органик ўғитини қўллаб етиштирилган помидорнинг қуритилган 72 тоннаси 2019 йил кузида Францияга сотилди. Қорақалпоғистонда шароит оғир, маҳсулотни қайта ишлаб, чет эл валютасига сотиш учун зарур техникалар кам бўлса-да, бу ишнинг уддасидан чиқиди. Биз бу тажрибани ўрганиб, мамлакатимиздаги сабзавот етиштирадиган фермер ва деҳқон хўжалиқлари, томорқа эгаларига ўргатиш ишларини бошладик.

Ҳозирги вақтда экологик тоза сабзавот маҳсулотлари етиштириш долзарб масала бўлиб турибди. Биогумус органик ўғити Андижон вилоятининг буз ўтлоқи, Қашқадарь вилоятининг тақир ўтлоқи ва Қорақалпоғистон Республикасининг қумоқ тақирли, унумдорлиги паст ерларига берилганда етиштирилган сабзавот ва полиз экинлари таркибидаги зарарли нитратлар миқдори рухсат этилган максимал нормадан паст бўлиши аниқланган. Шунингдек, улар жуда фойдали А, Е, К, С ва В витаминларига бой ҳамда темир, калий, мағний, фосфор элементларига тўйингани кузатилади. Биогумус органик ўғитини қўллаб, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш биринчи навбатда, келажак авлодининг баркамол, соғлом ўсишига катта ёрдам беради.

Биоборин, давлатимиз раҳбари томонидан озик-овқат хавфсизлигини, шунингдек, республикамиз аҳолисини ўзимизда етиштирилган маҳсулотлар билан тўла таъминлаш, нарқларни тушириш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралётгани бежиз эмас.

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан тановул қилаётган озик-овқат маҳсулотларига, уларнинг таркиби ва қувватига боғлиқ. Истеъмол қилинаётган сабзавот ва полиз маҳсулотлари сифатига алоҳида эътибор қаратиш вақти келди.

Мухтасар айтганда, тупроқ унумдорлиги ҳамда ундаги гумус миқдорини ошириш, экинлар ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилаш, айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда илмфан ҳамда амалиёт уйғунлигининг аҳамияти катта. Унинг самарадорлигини ошириш соҳанинг замонавий асосда ривожланишини таъминлайди, илгор инновацион технологияларни янада кенг қўллаш учун мустаҳкам зармин яратди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти олим ҳамда мутахассислари тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишнинг қўллаб-қувватловчи чора-тадбирларни амалга ошириш, тупроқда намликни сақлаш, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш бўйича деҳқон ва фермер хўжалиқлари, томорқа эгаларига яқиндан амалий ёрдам бериш ишларини бошлади.

Таҳлилларга кўра, дунё бўйича озик-овқат маҳсулотлари нархи 2023 йилда 20 фоиздан зиёд ўсган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич янада ошиб бормоқда. Мамлакатимизда аҳоли ялпи даромадининг 40-50 фоизи озик-овқатга сарфланади. Шу боис, Президентимиз раҳбарлигида озик-овқат маҳсулотларини кўпайтириб, нарх-навоининг аҳоли рўзгорига таъсирини юмшатиш чоралари кўрилкоқда. Қанчалик мураккаб бўлмасин, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 мартдаги "Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорлигини ошириш, суғоришининг янги технологияларини жорий этишни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2024 йил 13 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида унумдорлиги паст ерларда ҳосилдорлигини ошириш бўйича аграр соҳа ходимлари олдига турган долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Экин майдонларидан юқори ҳосил олиш учун, биринчи навбатда, экинларни суғоришда илмий асосланмаган, юқори даражада кўп сув сарфланадиган шўр ювишни камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув тежамкор технологияларни жорий этиш лозим.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ерларнинг деградациясини камайтириш, тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтириш орқали уларни соғломлаштириш, экинлар экинларнинг унуб чиқиш даражасини 30-40 фоизга ошириш, бериладиган кимёвий ўғитлар миқдорини 30 фоизгача камайтириш бўйича юқори агротехнологик чора-тадбирларни бажариш талаб қилинади.

### Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, унумдорлигини ошириш ҳамда самарали фойдаланиш учун биринчи навбатда, турли даражада шўрланган, эрозияланган, эчилашган, тошлоқли, гумус ва озук элементлари камайган майдонларнинг ҳолатини яхшилаш лозим. Бунинг учун эса илмий асосланган зарур агрономия, агрохимёвий, агротехник ва агрофизикавий тадбирлар ва тавсияларга амал қилиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, сабзавот, полиз, дуккакли, мойли, озукбоп экинларни экиш, интензив боғ ва тоқорлар барпо этиш орқали тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш билан бирга элимиз дастурхонига экологик тоза, сифатли озик-овқат маҳсулотларини етиштириб бериш бугуннинг долзарб масалалари қаторидан ўрин олади.

Тавсия этилган минтақавий органик ва минерал ўғитлар тизимини тўлик амалга оширишга эришиш, органик ўғитлар йиғиш, компост тайёрлаш ва уларни муттасил далаларга чиқариб, унумдорлиги паст ерларга берилишини йўлга қўйиш биринчи навбатдаги вазифалардандир.

Тупроқ унумдорлигини оширишда илмий асосланган ва тавсия қилинган органик ўғитлар қаторида биогумус органик ўғитини қўллаш лозим. Чунки биогумус органик ўғитининг экологик жиҳатдан ўрни жуда катта. Унинг ўсимликлар ўсиши ва ривожланишига физиологик-биохимик йўл билан ижобий таъсири илмий асосланган.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсда маҳаллий органик ўғитлар ишлаб чиқариш ҳамжмини кўпайтириш билан бирга, энг юқори даражадаги сифатли ва кам харажатли органик ўғит олиш усулларидан бири Калифорния чувалчангини боқиб асосда биогумус олишдир. Маълумки, соғлом тупроқнинг бир граммда 3-3,3 миллиард фойдали микроорганизмлар бўлади. Шунга кўра, ҳар бир

гектар ерда 6-9 миллион дона ёмғир чувалчангини бўлиши лозим. Лекин ерларга кўп миқдорда кимёвий ўғитлар, заҳарли химикатлар солиниши натижасида тупроқнинг табиий унумдорлигини бевосита доимий равишда оширувчи фойдали микроорганизмлар сони бугун гектарига 0,7-0,9 миллиардни ташкил этмоқда.

Қадим замонларда деҳқоннинг бойлигини унинг қимматбаҳо буюмлари билан эмас, балки еридаги ёмғир чувалчангини миқдори билан ўлчанган. Агар деҳқоннинг ерида чувалчанг кўп бўлса, унинг маҳсулоти бозорларда айнимай, узоқ сақланиб, доимий равишда харидорлар бўлган. Илгари биз чувалчангини ёмғир вақтида ер устига чиқишини кўп кузатганимиз. Ҳозир эса ушбу қимматбаҳо жониворлар бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида.

Айни вақтда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, гумус миқдорини, ҳосилдорлигини кўпайтириш, экологик тоза маҳсулот етиштириш учун биогумус ишлаб чиқарувчиларни вилоятлар кесимида марказлашган ҳолда кўпайтириш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аҳолини жалб қилган ҳолда Калифорния чувалчангини ҳовлиларда боқиб биогумус ишлаб чиқариш Андижон, Наманган, Фарғона, Сурхондарь, Тошкент, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида 15-20 йиллик тажрибалар асосида йўлга қўйилмоқда. Шунга кўра, қишлоқ жойларидаги ҳар бир хонадонда биринчи босқичда (6 ойда) 6 тоннагача, 2 босқичда (6 ойда) 30 тоннадан ортқ биогумус ишлаб чиқариш мумкин.

Шу асосда 2-3 йил ичида барча вилоятларда унумдорлиги паст ерларни етарли биогумус билан таъминлаш ишларини йўлга қўйиш имкони бор. Фақат бу ишни ҳозирдан бошлаш керак.

Республикамизда биогумус органик ўғитини қўллашда унинг сифати қатъиян талаб қилинади. Шу билан бирга, биогумус ишлаб чиқарувчиларда илмий асосланган тавсиялар, қўлланмалар ва иш режаси, дастурлар бўлиши шарт. Ишлаб чиқарилган органик ўғитга, яъни биогумусга сертификат, лицензиялар олиниши лозим.

### Сурхондарёда биогумусни кўпайтириш аҳоли учун қўшимча даромад манбаи

Ҳозирги вақтда Сурхондарё вилоятида биогумус ишлаб чиқарадиган хўжаликлар ва корхоналар ёрдамида қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳовлиларида Калифорния чувалчангини боқиб, биогумус ўғитини кўпайтириш ишлари бошланган ва бу ишларни кенгайтириш режалаштирилмоқда. Ҳар бир хонадонда 10 миллион сўмдан субсидия ажратилади. 6 миллион сўмга Калифорния чувалчангини, 4 миллион сўмга гўнг сотиб олинди, 2 квадрат метр майдонда биогумус органик ўғити ишлаб чиқарилади.

Биогумус қишлоқ жойларидаги тадбиркор учун харажати ҳам, ташвиши ҳам кам бизнес бўлиб, яхши даромад манбаи ҳисобланади. Масалан, аҳоли ўз хонадонини 20 квадрат метр жойда чувалчанг боқиб, 6 ойда 3 тонна, кейинги 6 ойда эса 30 тонна биогумус етиштириб, ўртача 30 миллион сўм соф фойда олиши мумкин. Чувалчанлар 40-60 квадрат метрда боқилганда эса соф даромад 2-3 хисса кўпаяди. Ҳозирги кунда биогумус органик ўғитининг бир килограмми чакана савдода 3 минг сўмдан, улгурчи нархи эса 1,5-2 минг сўмгача бўлмоқда.

Ана шу ҳақиқатни тушуниб етган Сурхондарё вилояти ҳокимияти, туман ҳокимликлари, қишлоқ хўжалик бошқармалари мутахассислари республикамизда биринчи бўлиб Калифорния чувалчангини қишлоқ аҳолиси ёрдамида боқиб, биогумусни кўпайтириш ва шу асосда аҳолини қўшимча даромад олиб, камбағалликдан чиқариш ишларини амалга оширишни бошлади. Шу билан бирга, унумдорлиги паст ерларга биогумус органик ўғитини қўллаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқни соғломлаштириш, юқори ҳосил ва экологик тоза маҳсулот етиштириб, халқимиз генофондини соғломлаштириш, маҳсулотларни экспорт қилиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилган. Шахсан вилоят ва туман ҳокимлари иштиракида Калифорния чувалчангини боқувчи фермер ва томорқа хўжалиқлари, тадбиркорлар, корхоналар, жамиятлар билан танишиб, уларнинг ишларини ўрганиб, эшитиб, келгуси

### Етказиб бериш чора-тадбирлари

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда биогумус органик ўғитини ишлаб чиқарадиган кўплаб фермер хўжалиқлари, корхоналар, жамиятлар, тадбиркорлар бор. Масалан,



сида режаларини амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланган.

Бугунги кунда Термиз туманидаги "Сурхон Термиз Умида" корхонаси 2025 йил эрта баҳордан унумдорлиги паст ерларни соғломлаштириш, тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтириш, пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинлари ҳосилини оширишда фойдаланиш учун 100 минг тоннага яқин биогумус етиштириб беришини, 1000 га яқин хўжаликлар, хонадонларнинг ҳар бирига ўртача 20 квадрат метр жойга етарли Калифорния чувалчангини билан таъминлашни, шунингдек, Сарисие туманидаги "Одил Хол" корхонаси ҳам 2025 йил эрта баҳорда 100 та оилани биогумус билан таъминлашни режалаштирган. Бу ҳам аҳолини қўшимча даромадга эга бўлиб, камбағалликдан чиқаришга хизмат қилади. Шунингдек, барча туманларда биогумус органик ўғитини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ҳам бор. Буларнинг ҳаммасини марказлаштириш лозим.

Биогумус органик ўғитини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун аҳоли Калифорния чувалчангини билан ҳар бир тумандаги асосий биогумус ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминланадиган ҳамда олим ва мутахассислар ёрдамида хўжаликларга марказлашган ҳолда тарқатилади. Калифорния чувалчангини қишлоқ аҳолисига етказиб бериш ва боқиб бўйича илмий-амалий тавсиялар тайёрланиб, доимий назоратга олинади. Шунингдек, биогумус ишлаб чиқарувчиларга патент, лицензиялар берилди.

Бундан ташқари, хўжаликларнинг тупроқ таркибида гумус миқдори кам бўлган ер майдонларини аниқлаш ва биогумус солиш режасига киритиш ҳамда бу ўғитни қишлоқ хўжалик экинларига бериш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва хўжаликларга тарқатиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қуввати 1,5-2 минг тоннадан ортқ, Андижон вилоятида қуввати 2-3 минг тоннагача, Наманган ва Тошкент вилоятларида қуввати 4 минг тоннагача, Бухоро вилоятида қуввати



минг тоннагача биогумус ишлаб чиқарувчи фермер хўжалиқлари, жамиятлар, корхона ва тадбиркорлар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, барча вилоятлар туманларида биогумус органик ўғитини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ҳам мавжуд. Булар марказлаштирилса, биогумус ишлаб чиқариш 5-10 баробар кўпаяди.

Ишлаб чиқарилаётган ушбу ўғитни ҳозирча туман ободонлаштириш бўлимлари,

яратилиб, тупроқ агрегацияси тезлашади. Экинларнинг шўрланишига, курғоқчиликка чидамлилиги ошади. Биогумус ўсимликлар озук элементлари азот, фосфор, калий ва микроэлементларнинг омборхонаси ҳисобланади.

Кўртимизда тинч, осойишта ҳаётнинг янада барқарор бўлиши, шу асосда иқтисодий ривожланишни юксак даражада давом эттириш учун соғлом турмуш тарзини кенг





Барно АБДУЛЛАЕВА, Тошкент давлат педагогика университети проректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида босқичма-босқич "Университет 3.0"га ўтиш вазифаси белгиланган. Мазкур мақсаднинг тўла бажарилиши олий ўқув юрталаримизнинг халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингларида юқори ўринларни эгаллаши учун замин яратаяди.

Шунинг учун ҳам илм-фан ва таълимни хар томонлама ривожлантириш, ёшларни соҳага жалб этиш, ривожланган давлатлар билан инновациялар соҳасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш янги Ўзбекистон олдига турган устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бу борада Тошкент давлат педагогика университетида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда.



Таълим одимлари

ЛОЙИХАЛАР

Бугунга кунда университетда педагогика ва психология соҳасининг йирик муаммоларига бағишланган 4 та йирик лойиҳа бажарилмоқда. Улар иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа эҳтиёжлари ҳамда муаммоларидан келиб чиққан ҳолда назарий ва тажриба ўтказишга қаратилган тадқиқотлардир. Масалан, "Ақлли боғча" концепцияси учун болаларни касбга эркин қизиқишини шакллантиришнинг дастурий таъминоти яратиш" лойиҳаси республикамиздаги 30 дан ортқ мактабгача таълим ташкилотининг талабномаси асосида бажарилмоқда.

Бундан ташқари, Жаҳон банки академик инновациялар фонди гранти доирасида Психологика ва психология илмий лабораторияси ҳамда Психология ўқув-илмий маркази фаолият юритилмоқда. Мазкур марказда мамлакатимизда ижтимоий соғлом муҳитни шакллантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш, шахснинг маънавий камол топиши психологик қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг илмий-амалий асосларини яратиш ва методик таъминотини ишлаб чиқиш борасида салмоқли илмий ишланмалар яратилмоқда.

КРЕАТИВЛИК

Хар бир илмий тадқиқот иши муайян йил илмий тадқиқот методларидан фойдаланиб олиб борилади. Уни бажариш жараёнида таҳлил ва синтез, таққослаш, моделлаштириш, кузатиш, тажриба ва суҳбат ўтказиш каби тадқиқот методларидан фойдаланилади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади. Ўқитиш самарадорлигига эришиш учун ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш механизми

лари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дидактик таъминотни яратиш механизмларига креатив ёндашуви ташкил этиш ўқувчилардан тақдир, таҳлилий ёки ижодий фикрлаш ва аниқ маълумотларга асосланган билимларга эга бўлишни талаб этади. Университетда ишланувчилар томонидан яратилган илмий ишланмаларни таълим тизимига тағбиқ этиш мобиллигини таъминлашга устуворлик берилмоқда. Бинобарин, бундай ишланмалар фанларнинг ўқув дастури, силлабуслар мазмунини модернизациялашга хизмат қилмоқда.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Халқаро рейтингнинг юқори поғоналаридан ўрин эгаллаган кўпгина ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти кўрсаткичи 60 фоиздан юқори. Бунга мисол қилиб, АКШ, Германия, Корея Республикаси, Хитой, Россия каби қўллаб-қувватланган мамлакатларнинг олий таълим муассасаларини келтириш мумкин. Тошкент давлат педагогика университети барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ОТМлар таъсирини баҳоловчи THE Impact Rankings халқаро рейтингдан жой олди. 2023 йил учун QS Осиё университети рейтингини Тошкент давлат педагогика университети топ 1000 талайдаги кучли олий ўқув юрталари қаторидан муносиб ўрин эгаллаган.

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган "QS Higher Education Summit Asia Pacific 2023" саммити доирасида QS рейтинг ташкилоти Осиё университети рейтингининг 2024 йил учун рейтинг натижаларини эълон қилди. Унинг натижаларига кўра, Тошкент давлат педагогика университети халқаро мақоми янада мустақамлагани маълум бўлди.

2024 йил 6 ноябрь кунин Олий таълим соҳасидаги глобал таҳлил агентлиги (QS Quacquarelli Symonds) Осиёнинг энг яхши университети рейтингининг ўн олтинчи йиллик наشري — QS Asia University Rankings 2025ни эълон қилди. Осиёнинг 2025 йилги энг яхши университети янги рейтингига мувофиқ, Тошкент давлат педагогика университети ўз ўрнини янада яхшилаган.

ИСТИҚБОЛ

Президентимиз томонидан илгари сурилган "Нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда" ғояси барча илмий тадқиқот ишларини учун дастурий амал бўлиб хизмат қилмоқда. Шу таъминот асосида пировардида таълим хавфсизлиги ва барқарорлиги кафолатини, илмий стратегик салоҳиятини ошириш, таълим тизими рақамлаштириш, таълим ва тарбия

уйғунлигини таъминлаш, ўқитишнинг инновацион усулларини яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракат дастури белгила олган. Шунинг таъкидлаш лозимки, илм билан шуғулланиш самарали, қизиқарли ва натижадор бўлмоғи даркор. Агар биз ўз олдимиқда кўйган барча илмий вазифаларни изчил амалга оширсак, янги Ўзбекистоннинг пойдевори мустақам бўлади.

ИЛМ-ФАН ИНСОННИ ҲАМ, ЖАМИЯТНИ ҲАМ ЮКСАЛТИРАДИ

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНТЕГРАЦИЯ

Глобаллашув ва унинг янги технология ривожланишига ўтиш жараёни таълим бозорига, рақамли технологияларнинг жорий этиш соҳасида ва аҳолининг ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда. Ушбу масалаларнинг асосий ечимини илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртинчи санаот инқилоби даврида халқаро рақобатбардошликка эришиш, тўпланган институционал муаммоларнинг янги ечимларини тақлиф қилишдан иборат. Рақобат шароитида баркамол шахс, қомил инсон тарбиясини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи инфратузилмани шакллантириш инсоният тараққиётининг муҳим талабларидан бирига айланиб улгурди.

Шундай шароитда устувор йўналишлар бўйича мавжуд илмий мактабларни ривожлантириш, янгиликларни ташкил этиш, тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб қилиш, салоҳиятга эга истиқболли инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли барқарор тараққиётнинг таълимий ва институционал асосларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингини дунёнинг 50 та етакчи давлати қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинган беким эмас. Ижтимоий аҳамиятга молик ушбу мақсадларнинг амалий ижросини таъминлашда университетимиз илмий-педагогик жамоаси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.



МЕТОДИК БАЗА

Юқорида белгиланган мақсадлар илм-фан соҳасини замонавий тараққиёт талабларига мослаштиришни талаб қилади. Ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган турбткибий, ташкилий, инфратузилмага оид ўзгаришлар ҳам амалга оширилмоқда. Университет профессор-ўқитувчиларининг илмий-инновацион изланишлари довомида 2024 йилнинг ўзида узулқис таълим тизими муассасалари учун 1010 та дарслик, 170 та ўқув қўлланма, 91 та монография чоп қилинди. Ҳозир юртимизда таълим инфратузилмасини рақамлаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шу боис, жорий йилнинг ўзида 48 та дастурий маҳсулот, хусусан, электрон дарсликлар, ўқув-дидактик ресурслар яратилди.

ПРОФЕССУРА

Хар қандай тараққиёт ва илмий фаолият марказида юқори малакали мутахассислар туради. Тошкент давлат педагогика университетида сўнгги беш йилда илмий салоҳият 38 фоиздан 61 фоизга кўтарилди. 28 нафар фан доктори тайёрланди. Университетда педагогика, тарих, филология, кимё, физика йўналишларида мавжуд илмий мактаблар ривожлантирилётган бўлса, ижтимоий психология, педагогик психология, креатив педагогика йўналишларида янги илмий мактаблар яратилди.

42 нафар фан доктори дунё ва мамлакатимиздаги нуфузли илмий журналлар таҳрир хайъати, 39 нафари илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар, 19 нафари республикамизда фаолият юритаётган турли даражадаги илмий-эксперт кенгаши аъзоси ҳисобланади. 22 нафари илмий давлат дастурлари доирасида бажарилаётган фундаментал, амалий, инновацион лойиҳалар иштирокчиси. 48 нафари эса Google Scholar тизимидаги Хирш (Hirsch) индексида 5 ва undan юқори кўрсаткичга эга.

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

Илмий мақола тадқиқотчи томонидан диссертация тадқиқотини бажариш орқали ҳал этиладиган вазифалар доирасига кирадиган аниқ масалаларнинг ечимига бағишланган яхлит ва мантиқий тугалланган асар ҳисобланади. Илмий мақола орқали муаллифлар тадқиқ этилаётган мавзунинг асосий мазмун-моҳиятини очиб бериши ва у томонидан илгари сурилаётган, муҳим

аҳамият касб этадиган натижалар асосида таълим тизимидаги таълим ва тарбия динамика ўзгаришлар кайд этилмоқда. Айниқса, халқаро йирик илмий-техник базаларда таҳрирланган журналларда мақола чиқариш салмоғи ортиб, 2023 йилда коллаборация кўринишида 226 та мақола нашр этилган бўлса, 2024 йилда 331 та етди.

МУҲАНДИСЛИК КЕЛАЖАГИ

Нуктаи назар МУАММОЛАРГА БАРҲАМ БЕРМАЙ, ЮТУҚЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАШ ХАТО

Ботир УСМОНОВ, техника фанлари доктори, профессор

Муҳандислик таълимида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шаклларини излаш бугунги олий таълим бошқарувидаги долзарб масалалар. Демак, техника олий ўқув юрталарида профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мазмуни янгиланмоқда. Олий таълим тизимини шу жиҳатдан ислоҳ қилишда кафедра фаолияти алоҳида ўрин тутаяди. Кафедра мудирининг мақоми, профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш тамойиллари билан боғлиқ қатор масалалар ҳам бу жараёнда муҳим.



Кафедра мудирига қандай талаблар қўйилади?

Кафедра олий таълим муассасасининг асосий ўзақ бўлими бўлиб, битирувчиларни тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлиги шу бўлимга фаолиятга боғлиқ. Шу билан бирга, кафедра фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан кафедра мудирининг индивидуал фазилятлари, қобилияти, шунингдек, мудирнинг шахсий натижалари билан белгиланади. Кафедранинг замонавий мудирининг илмий тадқиқот ишлари билан шахсан шуғулланиши, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиши, мутахассисларни ўқитиладиган фанларнинг ўқув-услубий ва моддий-техник таъминотини мунтазам тақомиллаштиришга ундаши зарур. Янги таълим дастурларини ишлаб чиқиш электрон дарсликлар, масофавий таълим технологиялари, экспериментал ва инновацион фаолият усулларидан фойдаланиш билан давом этиши керак. Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш курсини ўтказётган кафедра мудирининг замонавий техника ва технологияларни ривожлантириш тенденциялари ҳамда истиқболларини билмас, бундан ташқари, ўқитишнинг замонавий услублари ва шакллари билан қўллаш, илмий-педагогик муҳитдаги обрў-этиборига, жамоа ишининг умумий натижаларига таъсир қилади.

Муҳандислик — техник таълимнинг асосий муаммоси

Иқтисодий ва санаотнинг юқори технологияли тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг анъанавий усуллари, яъни олий ўқув юрталари битирувчиларига қўйилган талаблар узоқ вақтдан бери қондирилмай келмоқда. Бу номувофиқлик, айниқса, давлат таълим стандартларида белгиланган қонда ва ёндашувлар, Ўзбекистоннинг қўллаб олий ўқув юрталарида фаолият юритаётган муҳандис кадрлар тайёрлаш тизимларини солиштирганда кўзга яққол ташланади. Мамлакатимизда олий таълимнинг ишлаб чиқариш ва бизнес воқелигини орқадда қолиши, битирувчиларнинг компетенциялари кўп ҳолларда иш берувчиларнинг кутганига ва алоҳида корхоналарда техносферанинг ривожланиш даражасига мос келмаслигига олиб келди, яъни муҳандис кадрлар тайёрлаш санаот талабларига жавоб бермай қолди.

Олий таълим ташкилоти битирувчиси етарли амалий тажрибага эга эмас, аммо иш берувчига тажрибали мутахассис керак. Битирувчида касбий маҳорат йўқлиги унга ўзини муҳандис сифатида англаш имкониятини бермайди. Диплом олгандан сўнг эса энг яхши ҳолатда у ўртача корхона ва лавозимда иш бошлайди, яъни ярим профессионаллар қаторига қўшилади. Ушбу номувофиқликлар олий таълим ташкилотлари битирувчилари ва потенциал иш берувчилар учун қўйилган муаммоларни келтириб чиқаради. Талабалар ўқиш даврида санаот корхоналарида ўқув экскурсиялари шаклида юзаки амалиёт ўтайди. Ишлаб чиқариш амалиёти одатда қисқа муддатли бўлади. Шунинг учун уларнинг ўз мутахассислиги бўйича иш ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишга вақти йўқ. Аслида, келажакда муҳандисликка оид қандай муаммоларни ҳал қилиши кераклигини билмайди. Амалиётчиларни таълим жараёнига жалб қилиш бугун жуда мураккаб ва амалий ҳал этилмайдиган муаммо. Бу уларнинг иш билан таъминлангани, шунингдек, олий таълим ташкилотидеги маош етарли эмаслиги билан боғлиқ. Ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш фаолиятини бирлаштирган, ўз касбининг фидойисини бўлган мутахассислар барча жамоада мавжуд. Лекин амалий тажриба бўлмаса, талабалар кўнжма ва малакани тўлиқ эгаллай олмайд. Натижада битирувчи малакавий диссертациясини ёқлаб, олий таълим ташкилоти деворлари ичиде ўрганган назарий билимларини ишлаб чиқаришда қўйла бошлайди. Бу ерда у биринчи марта лойиҳаси шунчаки ажойиб расм эмас, балки ҳақиқий объект эканини англайди.

Бу жараёнда талабалар амалиётчилар билан ўзаро мулоқотда бўлиб, муайян муаммоларни ҳал қилишда тажриба ортиради. Амалий машғулотлар довомида талаба мустақил равишда назарий билим эгаллайди. Ўргангани малака ҳамда амалий кўнжмалар билан уйғунлаштирилади. Ўз навбатида, касби бўйича қўшимча маълумотлар олиш ва аниқ мақсадлар билан мунтазам алоқаси ишлаб чиқариш ва ташкилотлар вакили бўлган бўлгуси иш берувчиларнинг маълумотлар базасига кириши мумкин.

Ихтисослашган (битирув) кафедранинг талабалар амалиётини ўташи учун масъул ходими одатда ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқ тажрибали ўқитувчи ҳисобланади. Ушбу йўналишда кафедра иш режасини тузиш, амалиёт ва мониторинг учун индивидуал топшириқлар ишлаб чиқиш унинг вазифасига кираяди. Кафедранинг ишлаб чиқариш билан мунтазам алоқаси ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Олий таълимни ислоҳ қилишда битирувчи кафедранинг тўплаган салоҳиятини йўқотмаслик муҳим аҳамиятга эга.



сниси, битирувчи талабалар учун жавобгардир. Олий ўқув юрталарида битирувчи кафедра бошқа кафедра орасида таъсирнинг асосий вазифаларини ҳал қилишга қодир кадрлар тайёрлашни таъминловчи сифатида алоҳида ажралиб туради.

Кафедра доирасида юқори даражадаги мутахассислар тайёрлашда тўлиқ илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва инновацион фаолият учун босқичма-босқич ўқитиш амалга оширилиши керак. Турли ўқитиладиган ҳодимларни самарали тайёрлашга 16-18 ўқитувчидан иборат жамоа талаб қилинади. Кичик ўқитувчилар жамоаси, масалан, етти-саккиз киши би ишни тўлиқ уқудлаш қийин кечади. Чунки улар тўлиқ илмий ва педагогик мактаб сифатида ишлаш олмайд.

Олий таълим тизимида ислохотлар давом этмоқда

Инновациялар, табиийки, олий таълим ташкилотининг эскирган анъаналарига мос келмайди. Олийгоҳ профессор-ўқитувчилари ва раҳбариятига янги талабалар қўйилади. Таълим ислохотлари кафедранинг институционал ҳолатига ҳам тегишли. Шунга қарамай, олий таълимда асосий бирлик ўқув ва илмий фаолиятнинг яънеқаси ҳамда илмий-педагогик мактабнинг таянчи сифатида кафедра бўлиб қолади. Битирувчи кафедра фаолиятидаги сифат ўзгаришлари пировард натижада энг янги таълим технологияларини

қўллаш асосида инновацион кафедра фаолиятини ташкил этилишига олиб келиши керак.

Олийгоҳда талабаларни сифатли тайёрлашнинг энг муҳим шарти ўқитувчиларнинг зарур касбий малакага эга бўлишидир. Профессор-ўқитувчининг иши мураккаб касбий фаолиятдир. Кафедра мудирининг кадрлар тайёрлашда вазифаларини самарали бажара оладиган ўқитувчиларни танлашнинг қийинлиги шундаки, у ихтисослаштирилган олий ўқув юрталарида талабалар орасидан амалга оширилади.

Кадрлар танлаш кафедранинг янги аъзосига қандай масъулият ва вазифалар юклагани, унинг ҳаммаслари билан қандай муносабатда бўлишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Менежернинг вазифаси ҳамфиқрлар жамоасини шакллантиришдир. Бу жуда қийин вазифа бўлиб, уни ҳал қилиш йиллар давомида йўналтирилган меҳнатни талаб қилади.

Олий таълимдаги инновацион ўзгаришлар, биринчи навбатда, олий таълим ташкилот ўқитувчиларининг педагогик малакасига талабларни оширади. Улар модули таълим дастурларини ишлаб чиқишга қодир бўлиши керак. Бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг компетенция натижаси, фаол ва интерактив ўқитиш шакллари ўзлаштириш, талабалар илмий тадқиқот, лойиҳалаш ва бошқа мустақил фаолиятни ташкил эта олиши ўқитувчиларга қўйилган асосий талабдир.



Мулоҳаза

## МУТОЛАА ЭҲТИЁЖИ

## АГАР БИЗ ЎЗЛИГИМИЗНИ БОЙ БЕРСАК, АВЛОДЛАРИМИЗ ҲАМ ШУНДАЙ ЯШАШГА МАЖБУР БЎЛАДИ

Жонибек АЛИЖОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мутулаа — жон ва руҳ озиғи. Шугина эмас, инсоният ривожининг туб асосида ҳам айнан мутулаа ётади. Тараққиёт фақатгина яратилган технологиялар эмас, тафаккур даражаси бойиши, дунёни идрок қилишнинг мукамаллашуви билан ҳам ўлчанади.

Биттагина яхши китоб инсон дунёқарошини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас. Китобдаги қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисалар инсон руҳиятини тарбия қилади, ҳаётини вазиятларда муаммоларга ечим кўрсатади. Шу туфайли яхши китобга бўлган миннатдорлик ҳисси инсон онгига бутун умрга сақланиб қолиши мумкин.

Энди эса таққослаб кўрайлик. Кўпчилигимиз кун бўйи медиамаҳсулотларни истеъмол қилиб яшаймиз. Кўчада, ишончада, тадбир уйларида бизга тинимсиз медиамаҳсулот тақдим қилинади. Телефонимиз, иш компьютеримиз орқали ҳам ҳар кун юзлаб видео томоша қиламиз, кўшиқлар эшитамиз, суратлар кўрамыз. Кун якунига етиб, уйга бориб, уйкуга кетиб олдидан бүгунимиз қандай ўтгани ҳақида бирров бўлса-да ўйлаб кўришимиз табиий. Ҳўш, кунлик медиаҳўрандаликдан қандай асар қолди? Қай бирини эслай оламиз? Қай бири дунёқарошимизга хоҳсалбой, хоҳ ижобий таъсир қилди? Аксариятимизнинг натижамиз: “айтарли ҳеч нарса”.

Сабаб эса, юқорида таъкидлаганимиздек, медиамаҳсулотда истеъмолчи қилиши керак бўлган ишларнинг барчаси автоматик тарзда биз учун аввалдан бажариб қўйилганига бориб тақаллади. Меҳнат қилмаган тафаккур механизми бу истеъмолчи бир оздан кейин на эслай олади, на ундан самарали озиқланади. Уни шунчаки “хотира қабристонига” улоқтиради. Онгимизда айнан ўша маҳсулотни қайта кўрганимизда “Ҳа, мен буни олдин ҳам кўрганман”, деган таассурот қолади, ҳолос.

Меҳнат билан тафаккур қилиб ўқиладиган китобнинг таъсири бутунлай бошқача. Инсон табиатини савол беришга мойил хилқат. Бу эса, асосан, таъсирларга нисбатан рўй беради. Киши савол бериши учун қийналиши, иккиланиши, тахмин қилиши лозим. Яхши китобдан бу хусусиятларнинг барчасини топиш мумкин. Демак, энди китоб ўқиган инсон ўз-ўзига савол бериши бошлайди. Бу саволнинг нишонни ҳам унинг айнан ўзи бўлади. “Мен нега ашьяман?”, “Менга берилган умрни самарали ўтказяпманми?”, “Мен одамзоднинг келажагини яхшилаш учун нималар қила оламиз?” каби ярим риторикалар айнан мутулаа ортидан келади. Буларга жавоб излаш инсон руҳиятини кучли қилади. Истеъмолчи инсон эса интернет манбаларидаги мавзуга оид таққиотларни ўрганиб чиқиш орқали танишишини тўхтатиб қўлади.

Шубҳасиз, ҳар бир инсон ҳаёти давомида бир марта бўлса ҳам “Умр нима?” деган



“

Агар биз бугун ўзлимизни бой берсак, авлодларимиз ҳам шу вазиятда яшашига мажбур бўлади. Ҳўш, нима қилиш керак? Аввало, ҳар бир инсон ўзини ислоҳ қилмоғи лозим. Ўзига ўзи савол назари билан мурожаат қилмоғи шарт. Юқорида илова қилганимиз “Мен одамзоднинг келажагини яхшилаш учун нималар қила оламиз?” деган саволга ҳар биримизнинг ўз жавобимиз бўлмас экан, умримиз бекор ўтибди, демак.

саволга жавоб излаб кўрса керак. Лекин бу жавобни қаердан топиш мумкин? Албатта, мутулаадан. У ҳоқ илмий манбалардан инсон, хоҳ диний манбалардан, барчаси инсондан мутулаа талаб қилади (ҳатто бу ҳақида тайёр маълумотлар берувчи медиамаҳсулотлар асосида ҳам айнан шу ётади).

Ҳўш, инсон бундай саволларга жавобни қандай топади? Масалан, турли даврларда яшаган ёзувчилар ҳаёт нима, деган саволга бир-бириндан фарқ қилмаган жавоблар берган. Масалан, Фёдор Достоевский ҳаёт бу дўзах дейди. Сукрот эса уни синов деб

атайди. Аристотель — ақл-идрок, Ницше — куч, Фрейд — ўлим, Пикассо — санъат, Ганди — мухаббат, Шопенгауэр — азоб-қуббат, Бертран Рассел — рақобат, Стр Джебс — эътиқод, Эйнштейн — билим, Кафка — ҳамма нарсангиз энди бошланаётгани... Санасак, бу рўйхатни жуда узоқ давом эттириш мумкин. Ҳўш, жавобни қандай топамиз? Нималар қараб хулоса қиламиз? Бу ўринда ҳар бир инсон ўз дунёқарошига қараб хулоса қилиши адолатдан. Биз учун муҳим жиҳат эса мутулаа биз тақдиримизни яхшилашимиз учун қанчаллик катта имкониятлар беришидир.



Хеч ўйлаб кўрганмисиз, бундан минг йил илгари яшаган худди сизнинг ёшингиздаги инсон ҳаётини қандай тасаввур қилган? Агар қизиқсангиз, буни билишнинг имкони бор. Чунки улар инсониятнинг узоқ сафарига худди туя вазифини ўтовчи китоблар орқали бизгача етиб келган.

Бугун дунё ахборот етказиши соҳасида катта рақобатни бошдан кечирмоқда. Китобларнинг даври ўтди, энди ҳамма маълумотни медиа орқали етказамиз деб жар солувчилар сони ниҳоятда кўпайди. Бу ҳайқирлар ўз-ўзидан янграётгани йўқ. Бунинг ортида сиз ва биз билмаган бошқа мақсад-муддаолар ётибди. Бунга кейинроқ тўхталамиз.

Аслида, китоб ўқиш эскиргани йўқ, балки ҳукронлиги пасайди, ҳолос. Ҳўш, нега? Дарров “уларнинг ўрнини замонавий технологиялар эгаллаб олди-да”, деган сийқаси чиққан жавобни беришга шошилмайлик. Сабаби, бундай жавоб ҳам бугунги давр кишининг онгига манипуляция орқали сингдирилган, десак ишонасизми?

Дунёда яққа ҳукронлик даъвои билан яшайдиган кучлар бор. Улар гоҳ давлат, гоҳ ташиқлот кўришида намоён бўлади. Ўз қудратини сақлаб қолиш учун каттаю кичик — ҳеч бир жиҳатни четда қолдирмасликка ҳаракат қилади. Китоб ўқишга бу “кучлар”нинг нима алоқаси бор экан дейсизми? Гап шундаки, китобхонлик ҳам уларнинг “ўлжа”лари сафидан жой олиб улгурган.

Одамларнинг кам китоб ўқишидан уларга нима фойда? Сабаби шуки, улар китобхон инсонларни бошқариш мушкуллигини яхши билади. Келинг, шу ерда китоб ўқиш жараёни ва медиатомошабинлик орасидаги ўзига хос таққосни илова қилиб кетсак.

Визуал оммавий ахборот воситаларидан фарқи ўлароқ, китоб ўқиш инсонни мияни ишлатишга мажбур қилади. Яъни ўқувчи мутулаа жараёнида тасаввурни ишлатишга мажбур бўлиб, тасвири ҳаёлда ўзи яратиши керак. Медиамаҳсулотларда эса бу аввалдан амалга оширилган. Бу инсон тафаккурини қайсида маънода дангасаликка ўргатади. Айни таққос билан биз “медиамаҳсулотлар бутунлай зарарли”, демоқчимасиз. Аммо улар китобнинг тўлиқ муқобили сифатида тарғиб этилишини ҳам ҳазм қилиб бўлмайди.

## Бугуннинг гапи

## КОН НОМЛАРИ ДАВЛАТ ТИЛИ ҚОИДА ВА МЕЪЁРЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил Ўзбек тили куни байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида сўнги йилларда юртимизда давлат тилининг нуфузини ошириш борасида амалга оширилган ишлар қаторида 100 мингдан ортик географик объектнинг номи давлат реестрига киритилгани алоҳида таъкидланган эди.

Дарҳақиқат, географик объектлар номларини давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш муҳим масала.

“Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг 22-моддасида “Географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилади”, деб белгилаб қўйилган. “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг

17-моддасида эса “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган географик объектлар номларининг йўл белгиларидаги, пешлавлар ва бошқа кўрсаткичлардаги ёзувлари давлат тилида ифодаланади”, деб кўрсатилган.

Қонунчиликнинг ушбу талаблари асосида Вазирил Маҳкамаси ҳузуридаги Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси томонидан тоғ-кон саноати ва геология соҳасидаги географик объектлар номлари ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида географик объектларга ном беришда ҳамини ҳам қонун талабларига риоя этилмаётгани аниқланди. Хусусан, географик объектларни ўзга тилларда

номлаш, имло қоидаларига амал қилмаслик, тарихий номларни бузиб кўрсатиш, маҳаллий аҳолининг тарихи, маданияти ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олмаслик, номларнинг ўхшашлиги каби қатор ҳолатларга йўл қўйилган.

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Кадастр агентлиги, Фанлар академияси ва унинг Тарих институти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан малакали мутахассислар, олимлар ва тадқиқотчилар иштирокида 1246 та кон (795 та нурда фойдали қазилма кони, 164 та рудали

фойдали қазилма кони ва 287 та углеводород кони) номи қайта кўриб чиқилди.

Республика комиссияси томонидан 703 та географик объект (464 та нурда фойдали қазилма кони, 110 та рудали фойдали қазилма кони ва 129 та углеводород кони) номини давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш, 543 та географик объект номини бошқадан кўриб чиқиш учун Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига қайтариш бўйича қарор қабул қилинди.

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси мажлисининг баёни асосида Вазирил Маҳкамасининг қарори лойиҳаси киритилди ҳамда 2024 йил 15 ноябрь куни “Тоғ-кон саноати геология соҳасидаги

айрим географик объектларнинг номларини давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан 703 та географик объект номи лотин ёзувидаги ўзбек алифбосида давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқлаштирилди.

Мисол учун, Андижон вилоятидаги “Усман-Абад” кони номи “Usmonobod” деб, “Қарабоғиш” кони номи “Qorabog'ich” деб, “Ханабадской” кони номи “Xonobod” деб, “Раишское” кони номи “Roish” деб;

Навоий вилоятидаги “Аристантау” кони номи “Arslontov” деб, “Северный Асукан”

кони номи “Shimoliy Asovqoq” деб, “Северный Даугэзтай” кони номи “Shimoliy Dovg'iztov” деб;

Жиззах вилоятидаги “Западный Кутерме” кони номи “G'arbiy Ko'tarma” деб, “Северный Эгизбулак” кони номи “Shimoliy Egizbulok” деб, “Асмансайское” кони номи “Osmonsoy” деб ўзгартирилди.

Бундай мисолларни бошқа ҳудудлардан ҳам қўлаб келтириш мумкин.

Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика комиссияси томонидан мамлакатимиздаги географик объектлар номларини давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Учқун МАҲМУДОВ,  
Вазирил Маҳкамасининг  
Давлат тилини ривожлантириш  
департаменти масъул ходими



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирил Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4047  
41157 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манлиси: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмаҳона телефони: (788) 129-29-29

ЎЗА яқуни — 23:45 Тошхирлиди — 01:15

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05